

УРТАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РНД.03/28.08.2020.155.03 РАҚАМ.ИИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ

---

УРТАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРАЕВ ҚУВВАТ ИСКАНДАРОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИНГ  
СОФ АКТИВЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ  
ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

08.04.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Уртача - 2021

УДК: 330.115:330.3(575.1)

Иктноднёт фойлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мушарраҳаси

Отглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical  
sciences

**Хамраев Қувват Искандарович**

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондларининг соф активларидан  
самарали фойдаланишни эконометрик моделлаштириш..... 3

**Хамраев Қувват Искандарович**

Эконометрическое моделирование эффективного использования чистых  
активов инвестиционных фондов Республики Узбекистан..... 25

**Khamraev Kuvvat Iskandarovich**

Econometric modeling of efficient use of net assets of investment funds of the  
Republic of Uzbekistan..... 47

**Эълон қилинган килар рўйхити**

Список опубликованных работ

List of publications..... 51

УРГАШ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.L55.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАШ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Хамраев Қувват Искандарович**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИНГ  
СОФ АКТИВЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ  
ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**08.08.06 - Эконометрика ва статистика**

**Иктноднёт фойлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ургаш – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt938** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резоюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.ardu.uz](http://www.ardu.uz)) ҳамда «Ziyoue» ахборот-таълим портали ([www.ziyoue.uz](http://www.ziyoue.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Абдуллаев Илбё Султанович  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Мухитдинов Худайр Сунопович  
иқтисодиёт фанлари доктори

Маткаримов Давронбек Матқубович  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


**Етакчи таъкилот:** Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химовси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «22» сентябр соғат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси - 14. Тел.: (998-62)224-6700; факс: (998-62)224-6700; e-mail: [info@ardu.uz](mailto:info@ardu.uz)).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин @-245 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси -14. Тел.: +998 93 9227734

Диссертация автореферати 2021 йил «7» сентябр куни тарқатилди.  
(2021 йил «7» сентябр даги 2 рақамли реестр баённомаси).



 **О.К. Хотамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.а.б, и.ф.д.

 **Ш.Б. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

 **Б. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қоншидаги илмий семинар раиси, и.ф.д. профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ривожланган давлатлар амалиётига кўра, инвестиция фондлари таракқиёти молия бозорининг ривожланиши ва шу асосда мамлакат иқтисодий ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда Осиё ва Тинч океанида тартибга солинувчи инвестиция фондларининг активлари дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан жадал суръатларда ошмоқда. 2019 йилга келиб, жаҳондаги барча тартибга солинувчи инвестиция фондларининг активлари қарийб 54,8 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Шундан, 52,1 фоизи Америка, 34,2 фоизи Европа давлатлари, 13,5 фоизи Осиё ва Африка давлатлари ҳиссасига тўғри келган. АҚШ 25,6 трлн. АҚШ доллари миқдоридagi активлари билан умумжаҳон тартибга солинувчи инвестиция фондлари таркибида етакчи салмоқни сақлаб қолган<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция фондлари соф активларининг самарадорлиги ошиши ҳамда йирик капитал оқими ушбу фондлар орқали амалга ошаётганидан далолат беради.

Таракқий этган мамлакатларда инвестиция фондлари соф активлари самадорлигини оширишда ишончли бошқарувчи компанияларнинг таъсири катта ҳисобланади. Шунингдек, инвесторлар активлари ҳисобланган акциялар, облигациялар, векселлар ва хазина мажбуриятлари ҳам ишончли бошқарувчи компаниялар томонидан бошқариб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, портфель инвестициялар, узоқ муддатли инвестициялар ҳамда қимматли қозғалар билан боглиқ бўлувчи риск аппетитини бошқаришга хизмат қилмоқда. Хусусан, инвестиция фондларининг соф активлари самарадорлигини ошириш йўллари, портфель инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш, инвестиция фондлари портфелининг риск аппетитини ўлчаш билан боглиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда фаол инвестиция сиёсати доирасида молия бозорининг асосини ташкил қилувчи фонд бозорини ривожлантириш, унда аҳоли пул маблағларини инвестиция қилишда мазкур бозорда воситачилик қилувчи инвестиция фондлари фаоллигини кескин оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур”<sup>2</sup>. Шундан келиб чиққан ҳолда инвестиция фондлари соф активларидан самарали фойдаланиш мақсадида жараёнларни моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш, фонднинг соф активларига таъсир этувчи омилларни моделлаштириш орқали соф активлардан самарали фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш, соф активларига таъсир этувчи омилларнинг кўп омилли эконометрик моделини тузиш ҳамда омиллар динамикасидаги ўзгаришларни баҳолашнинг кўп вариантли прогнозларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> 2020 Investment Company Fact Book - p. 11 ([www.icifactbook.org](http://www.icifactbook.org)).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва иқтисодий ривожланиш йили»да амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестиция фондлари фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг назарий, амалий ва услубий жиҳатлари У.Шарп, Г.Марковиц, Э.Фама, К.Френч, Л.Гитман ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида аке эътирилган<sup>3</sup>.

МДХ давлатларида инвестиция фондлари шаклланиши ва фаолият юритиши масалалари А.Абрамов, А.Антипов, Н.Карнаухова, В.Котиков, В.Миловидов, З.Макарчук, Э.Мусаев, Е.Булатова, К.Келимбетов, С.Чебанов сингари олимларнинг ишларида тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Шунингдек, инвестиция фондларининг қимматли қозғалар бозорини ривожлантиришдаги ўрнини кучайтириш билан боғлиқ айрим масалалар Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.Вахабов, М.Хамидулин, М.Султонбоева, В.Котов, И.Бутиков, Ш.Шоҳазамий, М.Алиев, Н.Хусанов, С.Муминов, М.Султанов<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий асарларида аке этган.

<sup>3</sup> Гитман Л. Дж., Джайк М.Д. Основы инвестирования / Пер. с англ. – М.: Дело, 1997. – 1008 с.; Шарп У. Ф., Александер Г.Ж., Бэйли Ж.В. Инвестиции / Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 1028 с.; Fama, Eugene F. and French, Kenneth R., The Equity Premium. Journal of Finance, Vol. 57, pp. 637-659, 2002; Markowitz, H.M. (March 1952). "Portfolio Selection". The Journal of Finance, 7 (1): 77-91.

<sup>4</sup> Абрамов А. Инвестиционные фонды: Доходность и риски, стратегии управления портфелем, объекты инвестирования в России. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 416 с.; Антипов А. Пассивные инвестиционные фонды // Финансы. – 1999. – № 1. – С. 59-60.; Карнаухова Н.П. Политика Европейского Союза в сфере регулирования деятельности суверенных фондов благосостояния // Международная экономика. – 2011. – № 5. – С. 43-50.; Котиков В. Хедж-фонды: Игра на рынке по новым правилам. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. – 184 с.; Миловидов В.Д. Управление инвестиционными фондами. – М.: Анкил, 1997. – 184 с.; Макарчук З. Инвестиционные фонды в России и США: Анализ законодательства и практики правового регулирования. – М.: Экон-информ, 2002. – 153 с.; Мусаев Э.А. Взаимные фонды – предпосылки успеха и организации в России. – СПб: Изд-во «Иванов и Лещинский», 1994. – 128 с.; Булатова Е.Б. Анализ суверенных фондов благосостояния и вероятные эффекты их функционирования. // Вопросы статистики. – 2010. – № 8. – С. 57-63.

<sup>5</sup> Вахабов А. В., Худякова Н. К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Ч. 1. – Т.: Университет, 2003. – 276 с.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: автореф. дис.док. экон. наук. – Т., 2011. – 40 с.; Султонбаева М.Б. Ўзбекистонда инвестиция фондларини

Миллий иқтисодийтни модернизациялаш шароитида инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш ва ундан самарали фойдаланишни эконометрик моделлаштириш масалалари алоҳида, мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу илмий муаммонинг иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги диссертация мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-87-сонли «Худудий иқтисодий тизимнинг ривожланишини прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** такомиллаштирилган эконометрик моделлаштириш усулларини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси инвестиция фондларининг соф активларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** инвестиция фондларининг назарий жиҳатлари ва Ўзбекистонда ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

инвестиция фондларини тартибга солиш бўйича илғор хориж тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

инвестиция фондининг соф активлари ва унга таъсир қилувчи омилларнинг динамик қаторлар маълумотлари стационарлигини аниқлаш;

инвестиция фондининг соф активларига таъсир этувчи омилларни қисқа ва узоқ муддатда боғланишини таҳлил қилиш;

авторегрессив тақсимланган лаг ёрдамида инвестиция фондининг соф активларига таъсир этувчи омилларни моделлаштириш;

соф активларига таъсир этувчи омиллар ўзгаришларини баҳолаш асосида инвестиция фондларининг соф активлари самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган инвестиция фондлари фаолияти танланган.

ривожлантиришнинг концептуал жиҳатлари. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. БМА.-Т.: 2017.-64 б.; Ачилов М. Ф., Алиев М. Г., Котов В. А. и др. Рынок капитала Узбекистана: вчера, сегодня и завтра. – Т.: Молия, 2002. – 268 с.; Бутиков И. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2008. – 224 с.; Шоҳазамий Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. Книга 1: Учебник. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005. – 725 с.; Ачилов М. Ф., Алиев М. Г., Котов В. А. и др. Рынок капитала Узбекистана: вчера, сегодня и завтра. – Т.: Молия, 2002. – 268 с.; Хусанов Н. Д. Повышение эффективности привлечения инвестиций в национальную экономику через рынок ценных бумаг: автореф. дис...канд. экон. наук. – Т., 2000. – 22 с.; Муминов С. Ф. Интеграция Узбекистана в международный фондовый рынок: экономико-правовые аспекты: автореф. дис.канд. экон. наук. – Т., 2004.; Султанов М.А. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари. Ик фан бўйича фалсафа доктори (PhD) ил. дар. олим учун дис. автореф. – Т., 2018. – 26 б.

**Тадқиқотнинг предмети** инвестиция фондларининг соф активларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда моделлаштириш жараёналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мантиқий фикрлаш, тизимли таҳлил, таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш ва таққослама таҳлил, абстракт-мантиқий фикрлаш, математик статистика ва эконометрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инвестиция фонднинг соф активлари самардорлигини баҳолашда кредиторлик, дебиторлик, харажатлар ва даромадлар каби молиявий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда Augmented Dickey-Fuller (ADF) усули такомиллаштирилган;

инвестиция фонднинг соф активлари барқарорлигини таъминлашда авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) модели орқали фонднинг кредиторлик қарздорлиги ва даромади ўртасидаги мувозанати асосланган;

Ўзбекистонда инвестиция фондлари соф активларининг динамик ўзгаришини аниқлашда фонднинг молиявий индикаторларини инобатга олган ҳолда кўп омилли эконометрик модели тузилган;

инвестиция фондларининг соф активлари самардорлигига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланган дебиторлик қарздорлиги ва харажатларини инобатга олган ҳолда фонднинг соф активлари динамик ўзгаришларининг кўп вариантли прогнозлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистондаги инвестиция фондларининг соф активларини ошириш учун инвестиция фондлари портфелида юридик шахслар улушини кўпайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Ўзбекистон инвестиция фондлари соф активларига таъсир қилувчи омилларнинг узок ва қисқа муддатли боғлиқлиги вектор хатоликни тузатиш ҳамда вектор авторегрессион моделлар орқали асосланган;

кредиторлик ва дебиторлик қарздорликнинг соф активларга таъсири баҳоланган ҳолда Ўзбекистон инвестиция фондлари соф активларидан самарали фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган;

«Камалак» АЖ ва «Даромад-плюс» АЖ инвестиция фондлари молиявий кўрсаткичларининг соф активларига таъсири баҳолашиб, 2023 йилгача соф активлари ошиши авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) ёрдамида прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги тегишли маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси ва бошқа ташкилотлар маълумотларидан фойдаланганлиги, шунингдек, таниқли иқтисодчи олимларнинг инвестиция фонди самардорлигини эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш ва ошириш бўйича фикрларидан қиёсий

фойдаланганлиги ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг татбиқ этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ишланмалардан мамлакат инвестиция фондлари самардорлигини оширишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ва фондларнинг соф активлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан мамлакатимиз иқтисодиётига бўш пул маблағларини инвестиция фондлари орқали жалб этиш ҳамда фонднинг самардорлигини ошириш бўйича босқичма-босқич жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инвестиция фондлари соф активларидан самарали фойдаланишни эконометрик моделлаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

инвестиция фонднинг соф активлари самардорлигини баҳолашда кредиторлик, дебиторлик, харажатлар ва даромадлар каби молиявий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда Augmented Dickey-Fuller (ADF) такомиллаштирилган усули Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фаолиятига жорий қилинган (Молия вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 04-02-01-32/97-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш натижасида инвестиция фондларининг дебиторлик қарздорлиги, кредиторлик қарздорлиги, умумий даромадлари, харажатлари ва соф активларининг қисқа ва узок муддатли прогноз кўрсаткичлари шакллантирилган;

инвестиция фонднинг соф активлари барқарорлигини таъминлашда авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) модели орқали фонднинг кредиторлик қарздорлиги ва даромади ўртасидаги мувозанати бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фаолиятига жорий қилинган (Молия вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 04-02-01-32/97-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш натижасида инвестиция фонднинг умумий даромадлари, харажатлари ва кредиторлик қарздорлигининг соф активларга таъсири прогноз қилинган;

Ўзбекистонда инвестиция фондлари соф активларининг динамик ўзгаришини аниқлашда фонднинг молиявий индикаторларини инобатга олган ҳолда кўп омилли эконометрик модели Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фаолиятига жорий қилинган (Молия вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 04-02-01-32/97-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш натижасида республика инвестиция фондлари соф активларининг ўсиш суръати прогноз қилинган;

инвестиция фондларининг соф активлари самардорлигига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланган дебиторлик қарздорлиги ва харажатларини инобатга олган ҳолда фонднинг соф активлари динамик ўзгаришларининг кўп вариантли прогнозлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

томонидан Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Молия вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 04-02-01-32/97-сон маълумотномаси). Инвестиция фондлари соф активлари самарадорлигини полиминал, чизикли ва экспоненциал сценарийларга ажратилган ҳолда прогноз қилиш натижасида самарадорликка таъсир этувчи омиллар динамикасининг прогностик даражаси оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро 2 та ва республика 3 та илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек 1 та мақола халқаро (Scopus) базадаги журналда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 131 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Инвестиция фондлари ривожланишининг илмий-назарий асослари»** деб номланиб, инвестиция фондларининг моҳияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимизда инвестиция фондлари ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, инвестиция фондларини ривожлантириш ва тартибга солиш бўйича илгор хориж тажрибаларнинг аҳамияти бўйича олимларнинг илмий гоя ва фикрлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондлари тараққиётига янгича ёндашиш зарурлигини белгиловчи, яъни инвестиция фондлари тараққиётининг илк босқичлари ва ҳозирги босқичи ҳамда ривожланиш истиқболлари билан белгиланувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Россия ва бошқа инвестиция фондлари ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда Ўзбекистонда амалиётда фойдаланиш имкониятлари асосланган.

Иқтисодчи олимларнинг илмий гоялари ва назарий фикрлари таҳлиliga кўра, ҳозирги кунгача айнан «инвестиция фонди» тушунчаси бўйича илмий

ва иқтисодий асосланган яхлит тушунча берилмаган. Шунингдек, инвестиция фонди тушунчаси юзасидан муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

«Инвестиция фонди» тушунчалари бўйича келтирилган иқтисодчи олимларнинг илмий гоя ва назарий фикрлари ҳамда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ривожланиши ва фаолият юритишини инобатга олган ҳолда, инвестиция фонди аҳоли ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг (инвесторларнинг) бўш пул маблағларини инвестициялаш орқали даромад (фойда) олиш мақсадида фонд бозори ва бошқа инвестиция объектларига жойлаштирувчи иxtисослашган бошқарув компаниясидир.

Инвестиция фондлари амал қилиши учун ҳуқуқий асос белгиланган тартибда ривожланган мамлакатлар сингари ўзаро рақобатлашувчи ва турли-туман фондларни яратиш шароитларини ўз ичига олиши лозим. Ўзбекистонда инвестиция фондларининг янада шиддатли ривожланишига тўсқинлик қилувчи муҳим сабаблар мавжуд: бу эса, англо-саксон йўналишини танлаш ҳисобланади. Мазкур йўналиш ёпиқ турдаги акциядорлик инвестиция фондларини ташкил этишни кўзда тутади. Ёпиқ турдаги акциядорлик инвестиция фондлари ўз акцияларини харид қилиш ҳуқуқига эга эмас. Улар акцияларининг ликвидлиги иккиламчи бозорда тасдиқланади. Жаҳон тажрибасига кўра, очик турдаги инвестиция фондлари айнан ўз акцияларининг ликвидлиги шартларини яратиш орқали ёпиқ турдаги фондлардан сезиларли даражада устундир.

Қимматли қоғозлар бозорига аҳолининг кенг қатламини жалб этиш жараёни бошида рўйхатга олган 86 та ХИФдан ҳозирги кунда 2 та ХИФ ва 5 та ИФ сакланиб қолган. Умуман, ХИФлар қолмаслиги лозим, чунки уларни ИФларга ўзгартириш бўйича барча муддатлар тутаган. Бу ХИФларнинг компания бошқарувчилари турли сабабларга кўра уларни бошқара олмайдилар. Бугунги кунда мавжуд бўлганларга келсак, 5 та ИФ мавжуд бўлиб, улардан икkitаси одатий амал қилмоқда, чунки устав жамғармаси 400 минг АҚШ долларини ташкил этган, қолган учтаси устав жамғармаси қиймати қонунчиликка мос келмаганлиги учун амал қила олмаяпти.

Айрим мамлакатларда ўзаро фондлар фаолияти ривожланиши уларда амал қилувчи ҳуқуқий тартибларга боғлиқ. Шундай экан, акцияларга инвестициялашнинг ўзаро фондлари умумий ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда, облигациялардан ташкил толувчи активлар билан ўзаро фондлар эса фуқаролик ҳуқуқи тизимидаги мамлакатларда кенг тарқалган.

Жаҳонда кўплаб инвестиция фондлари чиқарган қимматли қоғозларининг ликвидлиги даражасини қўллаб-қувватлайди, бу орқали инвесторларга уларнинг биринчи мурожаатлариданоқ инвестиция фондларининг инвестиция фондларига пул маблағларидаги қўйилмалари муомаласи ҳуқуқи берилади.

Навбатдаги сабаб, Ўзбекистонда инвестиция фондлари (ИФ)нинг сони кескин қисқартирилди – улар устав фондларда маҳаллий акциядорлик жамиятларини тартибга солишдаги уринишлардан зарар кўрди.

Хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ) ва ИФнинг аҳамияти етарлича баҳоланмади.

1-жадвал


Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган инвестиция фондлари ҳақида маълумот (2019 йил 1 январ ҳолатига)<sup>6</sup>

| №                                       | ИФлар номи            | Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи | Чикарилган акцияларнинг умумий ҳажми (дона) | Акциянинг номинал қиймати | Чикарилган акцияларнинг умумий ҳажми (млн. сўмда) |
|---|-----------------------|---|---|---------------------------|---|
| 1.                                      | «Дўстлик» ХИФ         |   | 590 000                                     | 100                       | 59  |
| 2.                                      | «OLIM-F» ХИФ ОАЖ      |   | 1 090 091                                   | 100                       | 109   |
| 3.                                      | «Даромад-плюс» ИФ ОАЖ | «KAFOLAT-INVEST» МСҶ                      | 1 263 808                                   | 500                       | 632   |
| 4.                                      | «Камалак» ИФ ОАЖ      | «САРБОН-ИНВЕСТ» МЧЖ                       | 229 021                                     | 2 700                     | 618   |
| 5.                                      | «SEMURG» ИФ ОАЖ       |   | 756 018                                     | 100                       | 75  |
| 6.                                      | «BARAKA» ИФ ОАЖ       |   | 838 742                                     | 100                       | 83  |
| 7.                                      | «OLTIN INVEST» ИФ ОАЖ |   | 535 288                                     | 100                       | 53  |
| Чикарилган акцияларнинг умумий суммаси: |                       |   |   |                           | 1631  |

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистондаги инвестиция фондларини ичида «Даромад-плюс» ва «Камалак» ИФларининг акцияларини ҳажми юқори ҳисобланади. Шунингдек, «Даромад-плюс» инвестиция фонди қимматли қоғозлар бозори 632 млрд.сўмлик акциясини жойлаштирган. «Камалак» ИФ эса, қимматли қоғозлар бозори 618 млрд.сўмлик акциясини эмиссия қилган. Бундан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фондларининг қимматли қоғозлар айланмасида «Даромад-плюс» ва «Камалак» ИФларини қимматли қоғозлар айланмаси деярли 77 фоизни ташкил этган. Бу шуни англатадики, иккала инвестиция фондларининг акцияларини муомаласи юқори эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Инвестиция фондларини соф активлари ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланишларнинг эконометрик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида ривожланган давлатларда инвестиция фондларининг соф активлари таҳлил қилинган, инвестиция фондининг соф активлари ва унга таъсир қилувчи омилларнинг динамик қаторлар маълумотлари барқарорлик Augmented Dickey-Fuller (ADF) тестига текширилган, инвестиция фондининг соф активларига таъсир этувчи омилларнинг қисқа ва узоқ муддатда боғланиш тести ўтказилган.

<sup>6</sup> Инвестиция фондлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



1-расм. «Камалак» инвестиция фондининг соф активларига таъсир қилувчи омиллар таҳлили, млн.сўмда<sup>7</sup>

1-расмдаги маълумотларга кўра, «Камалак» инвестиция фондининг соф активлари 2014 йилда 1018,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 1118,9 3 млн. сўмга етган. Инвестиция фондининг дебиторлик қарздорлиги йиллар кесимида тушиб бориш тенденциясига эга эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, дебиторлик қарздорлиги 2014 йилда 386,5 млн. сўм бўлган бўлса, 2018 йилда эса, 23 фоизга тушганлигини кўриш мумкин. Бунга асосий сабаб инвестиция фондининг кредиторлик қарздорлиги ошиши ҳисобланади. У 2014 йилда 131,3 млн. сўм бўлган бўлса, 2018 йилда 285,6 млн.сўмга кўтарилган.

Бундан ташқари, кредиторлик қарздорлиги ошиши инвестиция фондининг умумий даромади камайишига таъсир қилган. 2014 йилда 250,5 млн.сўм бўлган бўлса, 2018 йилда эса, деярли 3,5 баробарга камайганлигини кўрсатади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Камалак» инвестиция фонди соф активларини ошишига таъсир қилувчи омил кредиторлик қарздорлигининг ошиши ҳисобланади.

<sup>7</sup> «Камалак» инвестиция фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-жадвал

**«Даромад-плюс» инвестиция фондининг соф активларига таъсир килувчи омиллар тахлили, млн.сўмда<sup>8</sup>**

| Йиллар | Соф активлар қиймати | Дебиторлик қарздорлиги | Кредиторлик қарздорлик | Умумий даромадлар | Умумий харажатлар |
|--------|----------------------|------------------------|------------------------|-------------------|-------------------|
| 2014   | 3456,8               | 359,4                  | 654,8                  | 2023,3            | 182,1             |
| 2015   | 3518,3               | 344,9                  | 954,4                  | 263,4             | 201,9             |
| 2016   | 3528,7               | 378,2                  | 9564,7                 | 213,1             | 202,7             |
| 2017   | 4102,7               | 511,1                  | 26272,9                | 574,1             | 325,4             |
| 2018   | 4111,2               | 674,4                  | 27283,4                | 309,6             | 237,9             |
| 2019   | 4450,9               | 464,2                  | 914,4                  | 402,91            | 246,7             |

2-жадвалдаги маълумотлардан кўрииб турибдики, «Даромад-плюс» инвестиция фондининг соф активлари 2014 йилда 3456,8 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 4450,9 млн. сўмга етган. Инвестиция фондининг дебиторлик қарздорлиги йиллар кесимида ўсиб бориш тенденциясига эга эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, дебиторлик қарздорлиги 2014 йилда 359,4 млн. сўм бўлган бўлса, 2019 йилда эса, 29 фоизга ошган. Бундан ташқари, инвестиция фондининг кредиторлик қарздорлиги эса, 2018 йилда 27283,4 млн. сўм бўлган бўлса, 2019 йилда 914,4 млн.сўмга камайган.

Хусусан, кредиторлик қарздорлиги кескин камайиши инвестиция фондининг умумий даромади кескин ошишига таъсир қилган. Инвестиция фондининг умумий даромади 2014 йилда 2023,3 млн.сўм бўлган бўлса, 2019 йилда эса, деярли 5 баробарга камайган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Даромад-плюс» инвестиция фонди соф активлари ошишига таъсир килувчи омил сифатида кредиторлик қарздорлиги, дебиторлик қарздорлиги ҳамда умумий даромад омиллари таъсир қилишини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотда эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда инвестиция фондлари ҳисобланган «Камалак» ва «Даромад-плюс» акциядорлик жамиятлари соф активларининг (Y) маълумотлари барқарорлиги ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган, дебиторлик қарздорлиги (X<sub>1</sub>), кредиторлик қарздорлик (X<sub>2</sub>), умумий даромадлар (X<sub>3</sub>) ва умумий харажатлар (X<sub>4</sub>) динамик қаторларидаги маълумотларнинг стационарлик ҳолати кенгайтирилган Дикки-Фуллер тестидан фойдаланган ҳолда аниқланди (2-жадвал). Кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести қуйидаги регрессион модель орқали аниқланади.

$$y_t = \beta' D_t + \varphi y_{t-1} + \sum_{j=1}^p \psi_j \Delta y_{t-j} + \varepsilon_t \quad (1)$$

бу ерда, D<sub>t</sub> вектор асосида аниқланган детерминант (константа, тренд). P эса, вақтлардаги айирмаларнинг лаги, Δ y<sub>t-j</sub> авторегрессия ўртача силжиш

<sup>8</sup> «Даромад-плюс» инвестиция фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

моделнинг структурасидаги хатоликлар, P нинг қиймати ε<sub>t</sub> хатолик билан боғлиқ бўлмайди. Нолинчи гипотезага кўра y<sub>t</sub> нолинчи айирмада стационарликни текширишда кенгайтирилган Дикки-Фуллер t-статистика орқали y<sub>t</sub> нолинчи айирмада стационарми ёки биринчи даражада стационарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилади. Кенгайтирилган Дикки-Фуллер (ADF) t-статистикаси энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$ADF_t = t_{\varphi=1} = \frac{\hat{\varphi} - 1}{SE(\varphi)} \quad (2)$$

$$ADF_n = \frac{T(\hat{\varphi} - 1)}{1 - \hat{\varphi}_1 - \dots - \hat{\varphi}_p} \quad (3)$$

Нолинчи айирмада маълумотлар барқарор бўлмаса, биринчи айирмадаги стационарлик ҳолатини текширишда қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta y_t = \beta' D_t + \pi y_{t-1} + \sum_{j=1}^p \psi_j \Delta y_{t-j} + \varepsilon_t \quad (4)$$

Бу ерда π = φ - 1, ушбу формулада кенгайтирилган Дикки-Фуллер (ADF) t-статистикаси энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, биринчи айирмада тренд стационарлиги топилади.

3-жадвал

**Бирлик илдиз тести (unit root test)<sup>9</sup>**

| Ўзгариувчилар  | Кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести (ADF) <sup>10</sup> |               | Филлипс-Перрон тести (PP) <sup>11</sup> |               |
|----------------|---|---------------|---|---------------|
|                | констант (constant)                                   | тренд (trend) | констант (constant)                     | тренд (trend) |
| Нолинчи айирма |   |               |   |               |
| lnY            | -2.966160***  | -3.281645**   | -2.874880***                            | -3.551651***  |
| lnX1           | -4.532650***  | -5.274146***  | -4.603540***                            | -5.277235***  |
| Биринчи айирма |   |               |   |               |
| Δ lnX2         | -5.611647***  | -5.551043***  | -5.650637***                            | -5.660609***  |
| Δ lnX3         | -3.240997***  | -14.71650***  | -17.61174***                            | -17.29562***  |
| Δ lnX4         | -3.670170***  | -4.296729***  | -3.646342***                            | -4.262735***  |

\*\*\* 1% да статистик муҳимлигини, \*\*5% да статистик муҳимлигини, \*10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.

3-жадвалга асосланган ҳолда ўтказилган кенгайтирилган Дикки-Фуллер тестига кўра, инвестиция фондининг соф активлари кўрсаткичлари нолинчи айирмада барқарор ҳисобланиб, бу кўрсаткичнинг эҳтимоллик даражаси 5 % дан кичик бўлгани учун нолинчи гипотезасини қабул қиламиз. Унга асосан

<sup>9</sup> «Камалак» инвестиция фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>10</sup> Dickey, D. A.; Fuller, W. A. (1979). "Distribution of the Estimators for Autoregressive Time Series with a Unit Root". Journal of the American Statistical Association. 74 (366): 427-431.

<sup>11</sup> Phillips, P.C.B.; Perron, P. (1988). "Testing for a Unit Root in Time Series Regression". Biometrika. 75 (2): 335-346.



соф активларининг статистик муҳимлиги 5 %дан кичик бўлиб, стационарлик ишончлилик даражаси 95 фозга тенг. Мазкур фонднинг дебиторлик қарздорлиги кўрсаткичи ҳам барқарор бўлиб, бу кўрсаткичнинг статистик муҳимлиги 5 % дан кичик, барқарорликнинг ишончлилик даражаси 95 % ишончли эканлигини кўрсатади.

Қолган кўрсаткичлари ҳисобланган умумий даромадлар, кредиторлик қарздорлик ва умумий харажатлар кўрсаткичларининг тренди асосида барқарорлиги кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести ўтказилганда, биринчи айирмада бу кўрсаткичларнинг трендлари барқарорлиги аниқланди. Ўзгарувчиларнинг барқарорлигини аниқлашда кенгайтирилган Дикки-Фуллер ягона илдиз тестидан ташқари, Филлипс-Перрон тестлари ҳам мавжуд бўлиб, юқоридаги жадвалда Филлипс-Перрон ягона илдиз тести ўтказилганда инвестиция фондининг соф активлари ва дебиторлик қарзлари кўрсаткичлари барқарор бўлиб, уларнинг статистик муҳимлиги 5 % дан кичик, нолинчи гипотезага асосан бу иккала кўрсаткичнинг тренди стационар ҳисобланади. Қолган ўзгарувчилар ҳисобланган кредиторлик қарздорлиги, умумий даромадлари ва умумий харажатлари кўрсаткичлари тренди стационар эмас, шунинг учун биринчи айирмада стационар ҳолатига келтирилди.

«Камалак» инвестиция фондидан ташқари мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик инвестиция фондларидан яна бири «Даромад-плюс» инвестиция фондининг соф активлари ва унга таъсир қилувчи омилларнинг стационарлигини кенгайтирилган Дикки-Фуллер ягона илдиз тестидан фойдаланган ҳолда қуйидаги натижага эришилди (4-жадвал).

4-жадвал

Бирлик илдиз тести (unit root test)<sup>12</sup>

| Ўзгарувчилар   | Кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести (ADF) <sup>13</sup> |               | Филлипс-Перрон тести (PP) <sup>14</sup> |               |
|----------------|---|---------------|---|---------------|
|                | констант (constant)                                   | тренд (trend) | констант (constant)                     | тренд (trend) |
| Нолинчи айирма |   |               |   |               |
| lnX3           | -5.005289***  | -5.457372***  | -11.74877***                            | -10.84035***  |
| lnX4           | -4.057910***  | -4.886426***  | -4.293703***                            | -7.096692***  |
| Биринчи айирма |   |               |   |               |
| Δ lnY          | -3.952435***  | -3.732966***  | -3.871076***                            | -3.387391**   |
| Δ lnX1         | -4.121990***  | -4.886426***  | -8.026783***                            | -10.97246***  |
| Δ lnX2         | -4.021229***  | -3.865848***  | -4.039964***                            | -3.876250***  |

\*\*\* 1% да статистик муҳимлигини, \*\*5% да статистик муҳимлигини, \*10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.

4-жадвалга асосланган ҳолда ўтказилган кенгайтирилган Дикки-Фуллер тестига кўра, инвестиция фондининг умумий даромадлари кўрсаткичлари

<sup>12</sup> «Даромад-плюс» инвестиция фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>13</sup> Dickey, D. A.; Fuller, W. A. (1979). "Distribution of the Estimators for Autoregressive Time Series with a Unit Root". Journal of the American Statistical Association, 74 (366): 427-431.

<sup>14</sup> Phillips P.C.B.; Perron,P.(1988). "Testing for a Unit Root in Time Series Regression". Biometrika. 75 (2): 335-346.

нолинчи айирмада барқарор ҳисобланиб, бу кўрсаткичнинг эҳтимоллик даражаси 5 %дан кичик бўлгани учун нолинчи гипотезаси қабул қилинади. Унга асосан соф активларининг статистик муҳимлиги 5 % дан катта бўлиб, стационарлигининг ишончлилик даражаси 95 фозга тенг. Мазкур фонднинг умумий харажатлари кўрсаткичи ҳам барқарор бўлиб, бу кўрсаткичнинг статистик муҳимлиги 5 % дан кичик, барқарорликнинг ишончлилик даражаси 95 % эканлигини кўрсатади.

Қолган кўрсаткичлари ҳисобланган соф активлар, кредиторлик қарздорлик ва дебиторлик кўрсаткичларини тренди асосида кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести ўтказилганда, биринчи айирмада мазкур кўрсаткичлар трендларининг барқарорлиги аниқланди. Ўзгарувчилар барқарорлигини аниқлашда кенгайтирилган Дикки-Фуллер ягона илдиз тести ва Филлипс-Перрон ягона илдиз тести ўтказилганда инвестиция фондининг умумий даромад ва умумий харажат кўрсаткичлари барқарор бўлиб, уларнинг статистик муҳимлиги 5 % дан кичик, нолинчи гипотезага асосан бу иккала кўрсаткичнинг тренди стационар ҳисобланади. Қолган ўзгарувчилари соф активлар, кредиторлик қарздорлик, дебиторлик қарздорлик кўрсаткичлари тренди стационар эмас, бироқ биринчи айирмада стационар ҳолатига келтирилди.

Диссертация ишида «Камалак» ва «Даромад-плюс» акциядорлик жамиятларининг соф активларига таъсир қилувчи омилларнинг коинтеграцияси боғланиши узоқ муддатли ёки қисқа муддатли эканлигини аниқлаш мақсадида вектор хатоликни тузатиш VECM (Vector error correction model) модели ва векторли авторегрессион VAR (Vector autoregression model) моделлари орқали инвестиция фондларининг соф активларига таъсир қилувчи омилларининг қисқа ва узоқ муддатли мувозанатли боғланиши аниқланди.

«Камалак» инвестиция фондининг соф активларига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган дебиторлик қарздорлик, кредиторлик қарздорлик, умумий даромадлар ва умумий харажатлар билан қисқа муддатли боғланишдан иборат. Таҳлилларга кўра, дебиторлик қарздорлик, кредиторлик қарздорлик, умумий даромадлар ва умумий харажатларнинг статистик аҳамияти 5 %дан катта бўлиб, мазкур кўрсаткичлар инвестиция фонди соф активларининг қийматига узоқ муддат таъсир қилмайди.

«Даромад-плюс» инвестиция фондининг соф активлари қиймати билан дебиторлик қарздорлик, кредиторлик қарздорлик, умумий даромад ва умумий харажатлари ўртасида узоқ муддатли боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Дебиторлик қарздорлик, кредиторлик қарздорлик, умумий даромад ва умумий харажатлар статистик кўрсаткичлари муҳимлиги 10 %дан кичик бўлиб, узоқ муддатли боғланиш нолинчи гипотезаси қабул қилинади. Векторли авторегрессион VAR моделидаги инвестиция фондининг соф активлари қиймати билан дебиторлик қарздорлик, кредиторлик қарздорлик, умумий даромад ва умумий харажатлар боғлиқлиги иккита лаг асосида амалга оширилиб, ўзгарувчиларнинг узоқ муддатли боғланиши аниқланди.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистон Республикаси инвестиция фондларининг соф активларидан самарали фойдаланишни эконометрик моделлаштириш» деб номланиб, унда авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) ёрдамида инвестиция фондининг соф активларига таъсир этувчи омиллар моделлаштирилган, Ўзбекистонда инвестиция фондларининг соф активларига таъсир этувчи омилларнинг кўп омилли эконометрик модели тузилган.

Тадқиқотда «Камалак» ва «Даромад-плюс» акциядорлик шаклидаги инвестиция фондларининг соф активларига таъсир қилувчи омилларнинг авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) ёрдамида эконометрик моделлари ишлаб чиқилди.

5-жадвал

Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделида баҳолаш<sup>15</sup>

| Ўзгарувчилар                | «Камалак» инвестиция фонди |                  |              |            |
|-----------------------------|----------------------------|------------------|--------------|------------|
|                             | ARDL(3, 4, 0, 4, 4)        |                  |              |            |
|                             | Коэффициент                | Стандарт хатолик | t-статистика | Эҳтимоллик |
| <i>Innav(-1)</i>            | 0.176162                   | 0.328364         | 0.536485     | 0.6023     |
| <i>Innav(-2)</i>            | 0.479039                   | 0.380634         | 1.258531     | 0.2343     |
| <i>Innav(-3)</i>            | 0.830912                   | 0.504686         | 1.646393     | 0.1279     |
| <i>Lnar</i>                 | 0.007844                   | 0.019646         | 0.399248     | 0.6974     |
| <i>Inar(-1)</i>             | -0.033170                  | 0.031093         | -1.066805    | 0.3089     |
| <i>Inar(-2)</i>             | -0.031776                  | 0.034520         | -0.920501    | 0.3771     |
| <i>Inar(-3)</i>             | -0.099778                  | 0.036901         | -2.703939    | 0.0205**   |
| <i>Inar(-4)</i>             | 0.007844                   | 0.019646         | 0.399248     | 0.6974     |
| $\Delta$ <i>Incd</i>        | -0.038508                  | 0.060752         | -0.633856    | 0.5391     |
| $\Delta$ <i>Intr</i>        | 0.037665                   | 0.011419         | 3.298527     | 0.0071***  |
| $\Delta$ <i>Intr(-1)</i>    | 0.021606                   | 0.016305         | 1.325150     | 0.2120     |
| $\Delta$ <i>Intr(-2)</i>    | 0.073527                   | 0.026332         | 2.792262     | 0.0175**   |
| $\Delta$ <i>Intr(-3)</i>    | 0.030766                   | 0.017496         | 1.758535     | 0.1064     |
| $\Delta$ <i>Intr(-4)</i>    | 0.011407                   | 0.012295         | 0.927738     | 0.3735     |
| $\Delta$ <i>Inte</i>        | 0.239505                   | 0.083086         | 2.882622     | 0.0149**   |
| $\Delta$ <i>Inte(-1)</i>    | 0.404519                   | 0.118820         | 3.404457     | 0.0059***  |
| $\Delta$ <i>Inte(-2)</i>    | 0.242303                   | 0.089668         | 2.702233     | 0.0206**   |
| $\Delta$ <i>Inte(-3)</i>    | 0.398150                   | 0.110204         | 3.612844     | 0.0041***  |
| $\Delta$ <i>Inte(-4)</i>    | 0.099149                   | 0.104293         | 0.950672     | 0.3622     |
| <i>C</i>                    | -1.877965                  | 0.707227         | -2.655392    | 0.0224**   |
| Моделни мезонлари           |                            |                  |              |            |
| Қолдиқлар квадрати (R)      | 0.985402                   |                  |              |            |
| Ўзгарган қолдиқлар квадрати | 0.960187                   |                  |              |            |
| F-статистика                | 39.08063                   |                  |              |            |
| Эҳтимоллик (F-статистика)   | 0.000000***                |                  |              |            |

\*\*\*1% да статистик муҳимлигини, \*\*5% да статистик муҳимлигини, \*10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.

